

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.17.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШОНКУЛОВ ЛАЗИЗ АЗАМАТОВИЧ

**МЕВА-САБЗАВОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА
БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Эшонкулов Лазиз Азаматович

Мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарида бошқарув ҳисобини
такмиллаштириш..... 3

Эшонкулов Лазиз Азаматович

Совершенствование управленческого учета на предприятиях по
переработке овощей и фруктов..... 25

Eshonkulov Laziz Azamatovich

Improving management accounting at fruit and vegetable processing
enterprises..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 52

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШОНКУЛОВ ЛАЗИЗ АЗАМАТОВИЧ

**МЕВА-САБЗАВОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА
БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри -2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2020.1.PhD/Iqt443 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдусаломова Нодира Баходировна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор;
Дусмуратов Ражаббой Давлетбоевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» кунини соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz

219 Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz

15.10 Диссертация автореферати 2021 йил «25.10» кунини тарқатилган.
(2021 йил «4.11» даги рақамли реестр баённомаси).




Т.З. Тешабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.К. Холмаматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.Н. Қўзиёв
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётини ривожланишида бухгалтерия ҳисоби жумладан бошқарув ҳисоби маълумотлари манфаатдор томонларнинг турли сўровлари асосида яратилиши ва шунга мос равишда турли муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган. Одатда, мамлакат иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизими янада мураккаблашади. Жаҳонда бошқарув ҳисобини тарғиб қилиш масалалари «International Federation of Accountants, IFAC қошидаги Молиявий ва бошқарув ҳисоби қўмитаси, Institute of Management Accountants – IMA ва Chartered Institute of Management Accountants (CIMA), Institute of Management Accounting (CPA Australia)»¹ томонидан кўриб чиқилади. Халқаро амалиёт таҳлилига кўра, дунёнинг ривожланган давлатларида ҳисоб юритиш функциясига нафақат ҳисоб юритиш, балки сегментлар бўйича даромад ва харажатлар сметасини тузиш, калькуляция қилиш, келажакни прогнозлаш вазифалари ҳам юклатилиб, халқаро тажрибада аксарият компаниялар бухгалтерия ҳисоби тизимидаги иш вақтининг 80-90 фоизи бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритишга йўналтирилган.

Жаҳон амалиётида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида бошқарув ҳисобини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Бундай илмий изнанишлар бошқарув ҳисобида харажатларни шакллантиришнинг методологик муаммоларини ўрганиш, мева-сабзавотнинг қайта ишлаш саноатининг тайёр маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг мумкин бўлган вариантларини кўриб чиқиш, калькуляция усулларини хориж тажрибалари «Стандарт-кост», «Директ-костинг», «Абзорпшен-костинг», «Таргет-костинг», «Кайзен-костинг»дан фойдаланиш методологиясини такомиллаштириш, бюджетлаштириш тизимини тармоқ хусусияти асосида яратиш ва таннархни ҳисобга олиш хусусиятлари афзалликларини белгилаб беради. Бугунги кунда ривожланган давлатлар тажрибаси асосида мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил тизими доирасида бошқарув ҳисоби, ҳисоботи ва бюджет тузиш услубиятини шакллантириш, унинг назарияси ва амалиётини янада ривожлантириш масалаларини илмий жихатдан ҳал этиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда мева-сабзавотчиликни интенсив ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун экин майдонлари сезиларли равишда кенгайтирилди, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича қўшимча қувватлар ишга туширилди, молиявий ресурслар, жумладан, халқаро молия институтлари маблағлари фаол равишда жалб этилмоқда. Бундай соҳаларга доир ҳужжатлар қабул қилиниб, зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш (қуритиш) бўйича янги қувватларни ишга тушириш ишларининг таҳлили айрим туманларда бу йўналишдаги фаолиятни янада ривожлантириш ва янги лойиҳаларни амалга

¹ «Management Accountants Seeing Pay Raises». Accounting Today. 2 March 2018. Retrieved 10 August 2018.

ошириш чораларини кўриш зарурлигини кўрсатмоқда. «Истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли – мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш ҳамда «даладан дўконгача» бўлган узлуксиз занжирни яратишдир. Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5-7 йилда эса 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур»² эканлиги устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлашда бошқарув ҳисобини ҳалқаро тажрибалар асосида ривожлантириш ва услубиятини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш талаб этилади.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853 сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бошқарув ҳисобини такомиллаштириш масалалари хорижий ва МДХ мамлакатларининг иқтисодчи олимлари К.Друри, Ю.А.Ермилова, Т.В.Колесникова, Ж.Г.Мамаева, В.Н.Поспелова, Р.Х.Паркер, Дж. Рис, О.П.Шабанов, Р.Энтони³ ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январь куни мамлакатимиз Парламентига Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 28 январь.

³ Друри К. Управленческий и производственный учет. Вводный курс: учеб. для студентов вузов/ К. Друри. - 5-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.-735с.; Ермилова Ю.А. Учет и анализ затрат на предприятиях мясоперерабатывающей промышленности Дис. к.э.н. – Саратов, 2009. - 205 с.; Колесникова Т.В. Организация учета затрат при производстве и переработке продукции в плодово-ягодном подкомплексе. Дис. к.э.н.: Брянск, 2004г. 224 с.; Мамаева Ж.Г. Учет затрат и калькулирование себестоимости в рыбоперерабатывающих предприятиях. Дис. к.э.н. – Новосибирск, 2002г. 207 с.; Поспелова В.Н. Управленческий учет затрат на мясоперерабатывающих предприятиях: формирование и информационное обеспечение. Дис. к.э.н.: Иркутск, 2003г. 170 с.; Parker R.H. Management accounting: An historical perspective. ISBN-10 : 0678070016. 2019.; Дж.Рис, Р.Энтони Учет. Ситуация и примеры. – Москва: Финансы и статистика, 1993.- с.348.; Шабанов О.П. Управление

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.А.Абдуғаниев, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, Р.Д.Дусмуратов, А.Х.Пардаев, И.Н.Кўзиев, Б.А.Ҳасанов, Б.Ю.Махсудов, К.Р.Хотамов, Н.Б.Абдусаломова, М.Б.Калоновнинг тадқиқот ишларида бошқарув ҳисобида харажатларни ҳисобга олишнинг назарий, услубий ва ташкилий жиҳатлари тақиқ қилинган⁴.

Юқорида қайд этилган иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг асарлари ва тадқиқот ишларида «Бошқарув ҳисоби» тушунчаси ҳамда уни такомиллаштириш борасида атрофлича тадқиқотлар олиб борилган. Лекин мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхоналар мисолида бошқарув ҳисоби тизимида таннархни калькуляция қилиш, эҳтимолий йўқотишлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш, бюджетлаштириш тизимида ишлаб чиқариш ва сотувлар бюджетларини тузишни деталлаштириш, «фойдали, зарур ва фойдасиз харажатлар» тушунчалари каби муҳим жиҳатлар тўлиқ ёритилмаган. Мазкур ҳолатлар ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-6-сонли «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётининг концептуал йўналиши» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналарда бошқарув ҳисобини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бошқарув ҳисобининг назарий-услубий асослари ва унинг мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарида ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналарда харажатлар ҳисобининг ўзига хос хусусиятини аниқлаш ва маҳсулот таннархини калькуляция

производственными затратами в системе управленческого учета на перерабатывающих предприятиях. Дис. к.э.н. – Москва, 2009г.- 129 с.

⁴ Абдуғаниев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳамда юриштининг назарий ва амалий асослари, и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент. 2004. - 317 б.; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш, и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2001. –252 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – Б. 153.; Дусмуратов Р.Д., Менглиқулов Б.Ю. Кишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва статистика асослари. – Т.: Фан ва технология, 2014. – 392 б.; Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. – Т.: «Ғафур Ғулом» матбаа ижодий уйи. 2008 й.- 252 б.; Кўзиев И.Н. Пахтачиликда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва назоратини такомиллаштириш, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2001. –146 б.; Ҳасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. – Т.: Янги-нашр. 2008. –331 б.; Махсудов Б.Ю. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш. Монография. – Т.: «Фан ва технологиялар» нашриёти, 2017. -265 б.; Хотамов К.Р. Билвосита солиқлар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Монография. – Т.: Молия, 2016. - 168 б.; Абдусаломова Н.Б. Бошқарув ҳисоби тизимида ички назорат ва бюджетлаштириш услубиятини такомиллаштириш. Монография. – Т.: «Фан ва технологиялар» нашриёти, 2019. - 384 б.; Калонов. М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Икт.фан.д-ри (DSc). дисс. автореф. – Т., 2019. – 72 б.

қилишнинг босқичли усулида харажатларини ҳисобга олиш тартибини таклиф этиш;

мева-сабзавотни қайта ишловчи тармоқ корхоналарида асосий ишлаб чиқариш харажатларини тайёр маҳсулот билан тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари ўртасида тақсимлаш методикасини ишлаб чиқиш;

ишчи счётлар режасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналарда бошқарув таҳлилини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бюджетлаштириш тизимини янада такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзбекозиқовқатхолдинг» акциядорлик жамияти таркибига кирувчи корхонларнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналарда бошқарув ҳисобининг назарий, услубий ва амалий жиҳатларини такомиллаштиришда вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, қиёслаш, таҳлил ва синтез, тизимли ёндашув, иқтисодий-статистика, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

2010-1 «Хомашёни бирламчи қайта ишлаш» ҳамда 2010-2 «Тайёр маҳсулотни қуйиш ва қадоклаш цехи» ишчи счётини киритиш орқалида асосий ишлаб чиқариш харажатларини тайёр маҳсулот билан тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасида оптимал тақсимлаш имконияти асосланган;

ишчи счётлар режасига 2410 «Эҳтимолий йўқотишлар бўйича харажатлар (зарарлар)» счётини қўшиш орқали харажатларнинг бошқарув ҳисобини аниқлиги ва шаффофлигини таъминлаш асосланган;

бошқарув ҳисобида асосий фаолият фойдасини аниқлаш учун харажатларнинг «фойдали, зарурий ва фойдасиз харажатлар» схемаси асосида бирламчи ҳужжат ва ҳисобот калькуляциясининг шакли таклиф этилган;

мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарида бюджетлаштиришни хавфсизлик маржаси ва операцион воситалар асосида деталлаштириш асосида солиқ тўлагунча фойданинг 12 фоизга ошириш имконияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошқарув ҳисоби тизимининг афзалликлари илмий асосланиб, «Стратегик бошқарув ҳисоби» тушунчасига муаллифлик таърифи берилган;

фойдани шакллантиришга нисбати бўйича харажатларнинг таснифий гуруҳларини «фойдали, зарур ва фойдасиз харажатлар»га ажратиш таклиф қилинган;

бошқарув тизимида ташқи ва ички омиллар таъсири асосида 3 босқичли бюджетлаштириш жараёнини ташкил этиш тартиби ва «Бюджетлаштириш бўйича қўлланма»нинг ташкилий тузилиши ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқариш ва сотувлар бюджетларини тузиш шаффофлигини таъминлаш мақсадида уларни деталлаштириш даражаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК тизимидаги корхоналарнинг амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари суриладиган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритиш ҳамда уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналар фаолиятида бошқарув ҳисобини ташкил этиш, маҳсулот таннархи шаклланиши, бошқарув тизимида бошқарув таҳлили ва уни такомиллаштириш, корхоналарида бюджетлаштириш тизимини ташкил қилиш, бюджетлар ижросини назорат ва таҳлил қилиш методикасини ишлаб чиқиш, бюджетлаштириш тизимининг натижадорлигини оширишда йўриқнома сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналарда бошқарув ҳисобини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

2010-1 «Хомашёни бирламчи қайта ишлаш» ҳамда 2010-2 «Тайёр маҳсулотни қуйиш ва қадоклаш цехи» ишчи счётини киритиш орқалида асосий ишлаб чиқариш харажатларини тайёр маҳсулот билан тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасида оптимал тақсимлаш таклифи «Ўзбекозиқовқатхолдинг» Холдинг компанияси акциядорлик жамияти томонидан тизим ташкилотлари ҳисоб сиёсатида маҳсулот таннархи ҳисобини юритиш тартибини белгилашда фойдаланилган («Ўзбекозиқовқатхолдинг» Холдинг компаниясининг 2020 йил 28 августдаги БИ/10-673-сон маълумотномаси). Натижада мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналарда асосий ишлаб чиқариш харажатларни тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасида тақсимланиши ва шу асосида маҳсулот бирлиги таннархини аниқ шакллантириш имконияти яратилган;

ишчи счётлар режасига 2410 «Эҳтимолий йўқотишлар бўйича харажатлар (зарарлар)» счётини қўшиш орқали харажатларнинг бошқарув ҳисобини аниқлиги ва шаффофлиги таъминлаш бўйича таклифи «Ўзбекозиқовқатхолдинг» Холдинг компанияси акциядорлик жамияти ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Ўзбекозиқовқатхолдинг» Холдинг компаниясининг 2020 йил 28 августдаги БИ/10-673-сон маълумотномаси). Натижада мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналарда маҳсулот бирликлари учун қилинган харажатлар аниқлиги таъминлаш ҳамда эҳтимолий йўқотиш харажатлари миқдорини камайитиришга эришилган;

бошқарув ҳисобида асосий фаолият фойдасини аниқлаш учун харажатларнинг «фойдали, зарурий ва фойдасиз харажатлар» схемаси асосида бирламчи ҳужжат ва ҳисобот калькуляциясининг шакли бўйича таклифи «Ўзбекизоқовқатхолдинг» Холдинг компанияси акциядорлик жамияти ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Ўзбекизоқовқатхолдинг» Холдинг компаниясининг 2020 йил 28 августдаги БИ/10-673-сон маълумотномаси). Натижада маржинал даромад ҳажми, зарарсизлик нуқтаси даражасини ҳисоблаб чиқиш, қисқа муддатли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун таҳлилий ахборотларни тўлиқ ва тезкор олиш имконияти яратилган.

мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарида бюджетлаштиришни хавфсизлик маржаси ва операцион воситалар асосида деталлаштириш бўйича таклифи «Ўзбекизоқовқатхолдинг» Холдинг компанияси томонидан молиявий режалаштириш жараёнида қўлланилган («Ўзбекизоқовқатхолдинг» Холдинг компаниясининг 2020 йил 28 августдаги БИ/10-673-сон маълумотномаси). Натижада мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарида махсулот сотиш ҳажмини аниқлаштириш асосида ижобий молиявий натижага эришиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети белгилаб олинган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс эттирилган, олинган натижаларнинг назарий-амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқ натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Бошқарув ҳисобининг назарий-услубий асослари ва унинг мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарида ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида бошқарув ҳисобининг тарихий ривожланиши, назарий-услубий асослари ҳамда бошқарув ҳисобини мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналарида ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган. Тадқиқотда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бошқарув


ҳисобининг назарий-услубий асосларига дахлдор назарий хулосалар шакллантирилган.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хусусан, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, уларнинг асосий йўналишларини ёритиб бериш ва ушбу тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, ахборотлар манбаини такомиллаштириш, айнан ушбу фаолият билан шуғулланувчи корхоналарда харажатлар ҳисобини самарали ташкил этиш, муайян йўллари ва воситаларини аниқлашда мавжуд муаммоларни янада кенгроқ тадқиқ этиш долзарб масала ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрича, мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналар молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишда унумсиз харажатларнинг ортиб кетишига йўл қўймаслик, маҳсулот сифатини ошириш ва таннархини пасайтиришга қаратилган корхона миқёсидаги самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Статистик маълумотларга назар ташланса, 2019 йилда сабзавот, мева ва резаворларнинг жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 32,2 фоизни (мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8,7 фоизи) ташкил этади.

Республика бўйича 2010 йилда етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотлари 7938,9 минг тоннани, 2019 йилга келиб, 12967,8 минг тоннани ташкил этган, яъни ушбу тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми 63 фоизга ошган. Бу эса ижобий кўрсаткич ҳисобланади. Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини умумий ишлаб чиқариш ҳажмларига нисбатан меванинг 18,9 фоизи, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 5,6 фоизи, узумнинг 9,5 фоизи саноат корхоналарида қайта ишланмоқда. Мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 2010 йилда 246,5 минг тоннани, 2019 йилга келиб эса 577,5 минг тоннани ташкил этган (1-расм).



1-расм. Республика бўйича қайта ишлашга берилган мева-сабзавот маҳсулотларининг йиллар бўйича динамикаси⁵

⁵ Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитасининг ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланган.

Бу эса сўнги йилларда мева ва сабзавот маҳсулотларининг қайта ишлаш ҳажми ижобий даражада ошганлигидан далолат беради.

Умуман, бугунги кунда республикамизда етиштирилаётган мева-сабзавотнинг 15 фоизи қайта ишланиб, 8 фоизи экспорт қилинмоқда. Ривожланган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 50 фоиздан юқори.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек, амалиётга корпоратив бошқарувнинг янги технологиялари ва тизимларини жорий этиш долзарб ҳисобланади. Чунки тез ўзгарувчан рақобат муҳитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини пухта ҳамда истиқболли режалар асосида бошқариш барқарорликни таъминлайди.

Жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда иқтисодиётнинг барча соҳалари каби мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналар тармоқларида ҳам бухгалтерия ҳисобида ҳам ислохотлар ўтказиш заруратини келтириб чиқади.

Республикамиз корхоналарида бухгалтерия ҳисоби хизмати асосан анъанавий бухгалтерия ҳисоби билан шуғулланади. Аксарият корхоналарда бошқарув ҳисоби юритилмайди ёки бу ҳисоб жуда суст даражада ривожланган.

Муаллифнинг фикрича, бошқарув ҳисоби фақатгина харажатлар ҳисоби ва маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар) таннархининг калькуляцияси билан шуғулланибгина қолмай, балки корхона раҳбарига жорий ва истиқболли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун керакли ахборотларни ҳам бериши керак.

Бугунги кунда халқаро амалиётда кенг қўлланиб келинаётган бошқарувнинг янги тизимларидан стратегик менежмент тобора ривожланиб, асосий ҳисоб маълумотлари билан таъминловчи стратегик бошқарув ҳисобига талаб ортиб бормоқда. Стратегик бошқарув ҳисоби анъанавий бошқарув ҳисобининг янги ривожланаётган элементи ҳисобланиб, мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан назарий ва амалий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

Маълумки, анъанавий ҳамда стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш масалалари назарий ва амалий жиҳатдан кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Бироқ стратегик бошқарув ҳисобининг назарий ва амалий жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан етарлича тадқиқ этилмаган.

Масалан, «Оксфорд бухгалтерияга оид изоҳли луғати»да стратегик бошқарув ҳисоби «менежментга тактик қарорларни қабул қилишга нисбатан анъанавий ёндашувга нисбатан кўпроқ узоқ муддатли стратегик қарорларни амалга ошириш учун зарур ахборотни шакллантириш мумкин бўладиган даражада ташкил этилган тизим» сифатида таърифланган⁶.

Кўриниб турибдики, стратегик бошқарув ҳисобининг тугал яхлит тушунчаси мавжуд бўлмаган ва ҳанузгача мавжуд эмас.

⁶ www.glossary.ru.

Муаллифнинг фикрича, стратегик бошқарув ҳисоби тушунчасини аниқлаштиришда авваламбор корхоналарда бошқарув ҳисоби тизимининг таркибий изоҳли тузилиши, яъни иқтисодий категория моҳиятидан келиб чиқиб ёндашиш, сўнгра эса стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва амал қилиш хусусиятларига таяниш лозим.

Шунга кўра муаллифнинг фикрича, стратегик бошқарув ҳисоби хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарув аппаратиغا иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсишни таъминловчи, стратегик режаларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳисоб маълумотлари билан таъминлаш тизимидир.

Стратегик бошқарув ҳисобининг зарурлиги бошқарув муаммоларининг мураккаблиги, уларни комплекс ҳал этиш зарурати билан изоҳланади. У корхона бошқарувининг юқори даражадаги менежерлар учун мўлжалланган. Улар учун тижорат сиридан иборат корхонанинг имкониятлари ва унинг иқтисодий муҳити (бозорлар, товарлар, рақобатчилар ва ҳокозо) тўғрисидаги махфий ахборотлар керак.

Стратегик бошқарув ҳисоби сезиларли даражада корхонани стратегик ва тезкор бошқаришдаги ахборот таъминотиغا таъсир доирасини кенгайтирмоқда. Бошқарув ҳисоби жараёни ҳам анъанавий, ҳам стратегик бошқарув ҳисоби сифатида нафақат ҳисоб жараёнини, балки таҳлил, режалаштириш ва назорат жараёнларини, бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудитни уларнинг бошқарув ва реализация босқичлари каби умумий мақсадга йўналтирилганлиги билан боғлиқ ҳолда ягона тизимга бирлаштиради. Бунда ахборот базаси тайёрланади, таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Умуман, харажатларни таснифлаш биринчи навбатда, бошқарув ҳисоби мақсадлари учун зарур. Шу сабабли, тадқиқотларга кўра, муаллиф мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналар харажатлари турларини таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнлари бўйича тавсия этади.

Ишлаб чиқариш жараёни харажатларини бошқариш эса, асосан таъминот жараёнига боғлиқ, унда асосий масала келтирилган ёки сақланаётган хомашёни тўғри пропорционаликда ишлаб чиқаришга тақсимлаш ва сарфлашдир.

Муаллифнинг фикрича, корхоналарни техник ва технологик янгилаш шароитларида мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналарда харажатлар юзага келиш жойларида назорат қилиниши мақсадга мувофиқдир, шу сабабли харажатларни корхонанинг таркибий бўлинмалари (цех, лаборатория ва ҳ.к.) кесимида гуруҳланиши лозим.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарида бошқарув ҳисоби ва харажатлар таҳлилининг такомиллаштириш»** тадқиқ этилган. Мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналарда бошқарув ҳисоби тизимида маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг услубий жиҳатлари, тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот таннархини калькуляция, шунингдек бошқарув ҳисоби тизимида бошқарув таҳлили ҳамда харажатларни ҳисобга олишнинг хориж тажрибаси таҳлил қилинган.

Кучли рақобат шароитида корхоналарда шундай бошқарув қарорларини қабул қилишга ҳаракат қилинадими, бу қарорлар имкон даражада юқори фойда

олишни таъминласин. Фойданинг миқдори эса кўплаб ташкил этувчиларга боғлиқ. Ташкил этувчиларнинг муҳим бир қисми ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нисбатан қилинган харажатлар ҳисобланади.

Кўплаб иқтисодий адабиётларда келтирилишича, харажат деганда истеъмол қилинган ресурслар тушунилади. Бундан ташқари товар ва хизматлар учун тўланиши лозим бўлган пул маблағлари ҳам харажат ҳисобланади. Бошқариш учун бошқарувчиларга шунчаки харажатлар эмас, балки аниқ бир объектга (маҳсулот, унинг гуруҳи ва хизматга) нисбатан қилинган чиқимлар тўғрисидаги, яъни «харажатлар объектига» нисбатан қилинган чиқимлар тўғрисидаги ахборот зарур.

Харажатларнинг салмоғи ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига, таннарх эса корхонанинг даромадига таъсир қилади. Шу сабабли уларни тўғри ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда харажатлар таркиби ва турларини билиш муҳим аҳамият касб этади.

Бошқарув ҳисобининг энг муҳим вазифаларидан бири маҳсулот таннархини ҳисоб-китоб қилиш ҳисобланади. Илмий адабиётда таннархни кўпинча иқтисодий тоифага қиёслаб, адабиётларда унинг моҳияти ва таърифига кўплаб ва турли нуқтаи назарлар ифодаланган.

Олимларнинг фикрларини таҳлил қилиб, «таннарх» тушунчасининг мазмуни тўғрисида ўтказиладиган муҳокамалар, таннарх ўз моҳиятига кўра – хўжалик юритувчи субъектнинг оддий фаолияти давомида ресурсларни истеъмол қилишнинг миқдорий ифодасида тавсифланувчи кўп босқичли, мураккаб маълумотлар тизимидир деган хулосага келиш имконини беради. Ушбу тизим даражасининг миқдори, улар тузилишининг мураккаблик даражаси харажатлар ҳисоби объектларининг тафсилотларига боғлиқ.


Тадқиқ этилаётган тармоқ корхоналарининг амалий маълумотларига мурожаат қилинса, «Greenworld» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш жараёнининг қуйидаги йўналишлари бўйича ҳисоблаб чиқилган харажатлар тўғрисидаги маълумот келтирилган: асосий ишлаб чиқариш харажатлари, умумишлаб чиқариш ва умумхўжаликка мўлжалланган харажатлар, тайёр маҳсулотларни сотиш бўйича харажатлар.

Тадқиқ этилаётган «Greenworld» масъулияти чекланган жамиятида мева ва сабзавотларни технологик қайта ишлаш жараёни икки босқичдан ташкил топган: фаолият натижаси хомашё концентратини олиш ҳисобланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирламчи қайта ишлаш ҳамда ишлаб чиқариш технологик жараёнининг иккинчи босқичи, у эритмани янада қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни қуйишдан иборат. Тўлиқ ишлов берилган, техник ва сифат тавсифларини қондирувчи, истеъмолга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш циклининг якуний натижаси ҳисобланади.

Ўз навбатида, тадқиқ этилаётган корхоналарда харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг босқичли усулини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Калькуляцияни ҳисоблашнинг босқичли усулини қўллаш асосида харажатларни ҳисобга олишнинг умумий тартибини қуйидаги 2-расм кўринишида таклиф этилди.

2-расмда келтирилган таклифга асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари икки босқичда қайта ишланади, бунда тайёр маҳсулот таннархи кейинги босқичнинг қўшилган харажатларини изчил «қатлаш» йўли билан шакллантирилади.



2-расм. Маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг босқичли усулида харажатларини ҳисобга олиш тартиби («Greenworld» МЧЖ мисолида)⁷

Мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналарида калькуляциянинг босқичли усулини қўллашда бевосита ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш жараёни босқичлари бўйича, ҳар бир босқичда эса харажатлар калькуляция моддаларининг тасдиқланган рўйхати бўйича режалаштирилиб, ҳисобга олинади. Ҳар бир тугалланган босқич маҳсулоти калькуляция қилиш объектига айланади.

Таклифга мувофиқ мева-сабзавотни қайта ишловчи тармоқ корхоналари учун биринчи босқичга келиб тушувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (мева ва сабзавотлар) бошланғич хомашё ҳисобланади. Яримтайёр маҳсулотлар: концентрацияланган шарбатлар, сабзавот ва мева пасталари, қовурилган сабзавотлар, кўкат экстрактлари ва бошқа зираворлар ушбу босқичнинг тайёр маҳсулотлари ҳисобланади. Яримтайёр маҳсулот иккинчи босқичга келиб тушади ва у ерда унга кейинги ишлов берилиб, тайёр маҳсулот олинади.

Харажатларни ҳисобга олишнинг яримтайёр маҳсулотли усули 2100 – «Ўзида ишлаб чиқарилган яримтайёр маҳсулотлар» бухгалтерия счётидан фойдаланишни назарда тутди. Харажатларни ҳисобга олишнинг яримтайёр маҳсулотли усулини қўллашда бухгалтерия ёзувларининг тартиби 2-иловада ўрганилган. Масалан, қайта ишлашга келиб тушган хомашёнинг қиймати фақат биринчи босқичдагина акс эттирилади. Ушбу суммадан ташқари 2010-1 «Хомашёни бирламчи қайта ишлаш» счётининг дебети бўйича қайта ишлаш цехининг асосий материаллар, иш ҳақи ва умумий ишлаб чиқариш

⁷ Муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

чиқимлари каби харажатлар ҳам ҳисобга олинади. Яримтайёр маҳсулот сотилган тақдирда унинг қиймати 2010-2 «Тайёр маҳсулотнинг таннархи» счётининг дебети бўйича ва 2100 – «Ўзида ишлаб чиқарган яримтайёр маҳсулотлар» счётининг кредити бўйича акс эттирилади.

2010-2 «Тайёр маҳсулотни қуйиш ва қадоқлаш цехи» субсчётининг дебети бўйича иккинчи босқичга келиб тушган яримтайёр маҳсулотнинг таннархи ҳамда қўшилган харажатлар суммаси (материаллар, қадоқлаш қиймати, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва умумий хўжалик харажатлари) акс эттирилади. Иккинчи босқич якунловчи босқич бўлиб, ундан кейин тайёр маҳсулот оморга ҳақиқий таннарх бўйича кирим қилинади.

Таклиф этилган тартиб бўйича тадқиқ этилаётган тармоқ корхоналарида харажатларни ҳисобга олишнинг яримтайёр маҳсулотли усулини қўллашнинг асосий устунликлари қуйидагилардан иборат:

- ушбу усул ҳар бир босқичдан кейин яримтайёр маҳсулотлар таннархини аниқлаш имконини беради, бу яримтайёр маҳсулотлар четга сотилган тақдирда уларнинг нархини аниқлаш имконини беради;

- босқичлар бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларини ишончлиликнинг юқори даражаси билан ҳисобга олиш имконини беради;

- ўзи ишлаб чиқарган яримтайёр маҳсулотларни ички ташиш ва сарфлаш бўйича назорат қилиш даражасини ошириш имконини беради.

Бошқарув ҳисоби тизимида харажатлар ҳисобининг аниқлигини таъминлаш, бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳар бир харажат марказини эътиборга олиш муҳимдир. Тадқиқ этилаётган объект корхоналарида тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш таъминоти мавсумий характерга эга эканлигини, қайта ишлаш учун сақланаётган мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича турли йўқотишлар, меъёрдан четланишларни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишда бошқарув ҳисоби тизимида 2410 «Эҳтимолий йўқотишлар бўйича харажатлар (зарарлар)» счётини очиш мақсадга мувофиқ. Бунда ушбу счётнинг дебетида қайта ишлаш учун сақланаётган мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича йўқотишлар, айниб қолиш, ҳар хил бузилишлар бўйича харажатлар (зарар) акс эттирилиб, табиий йўқотиш меъеригача бўлган қисми маҳсулот таннархига киритилади. Меъёрдан ортиқча қисми эса ўз навбатида, моддий жавобгар шахсдан ундириш ёки корхона фойдаси ҳисобидан қопланиши кўзда тутилади (3-расм).

Бошқарув ҳисоби мақсадларида таклиф этилган ушбу счётни тармоқ корхоналари амалиётида қўллашнинг асосий устунликлари қуйидагилардан иборат:

- мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш харажатлари аниқлигини таъминлайди;

- турли бузилиш ва йўқотишлар назоратга олиниб, ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлайди;

- эҳтимолий йўқотишлар бўйича харажатлар (зарарлар)ни маҳсулот таннархига қўшиш, моддий жавобгар шахсдан ундириш орқали ёки фойда ҳисобидан қоплаш имконини беради.



3-расм. 2410 «Эҳтимолий йўқотишлар бўйича харажатлар (зарарлар)» счётининг амалий қўлланилиши⁸

Замонавий корпоратив бошқарувнинг ахборот эҳтиёжларини батафсил ўрганиш шундай хулосага келиш имконини бердики, бошқарув ҳисобида калькуляциялар харажатлар ва улар натижасида олинадиган фойдани энг юқори даражадаги аниқлик билан таққослаш имконини берувчи маълумотларни акс эттириши лозим. Бошқарувчиларнинг ушбу эҳтиёжларини қондириш мақсадида тадқиқот ишида муаллиф «фойдали – зарур – фойдасиз харажатлар» схемаси бўйича таннархни калькуляция қилиш тартибини ишлаб чиққан. Муаллиф таклиф этган тартиб, харажатларни уларнинг хўжалик юритувчи субъектнинг одатий фаолиятидан олинадиган фойда шаклланишига нисбати бўйича таснифлашга асосланган (1-жадвал).

Корхона кўзлаган фойдага эришиши, таклиф этилган товарга талаб, уни тайёрлашга бевосита харажатлар жараёнида шаклланивчи истеъмол қийматига боғлиқ.

Зарур харажатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг одатий фаолиятидан фойда олиш жараёнини таъминлайди. Бу харажатлар бевосита фойда келтирмайди, лекин аниқлаш бўйича улар уни олиш жараёнини қўллаб-қувватлаш учун зарурдир. Масалан, корхона ишчиларини ижтимоий кафолатлар, санитария-эпидемиология меъёрларини бажаришга харажатларни таъминловчи харажатлардир. Қонунан улар корхонанинг оладиган фойдаси ва ҳаракатларидан қатъий назар тўлиқ ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

Мазкур таклиф доирасида алоҳида харажатлар ажратиш белгиланган бўлиб, буларга: туриб қолишлар натижасида йўқотишлар, технологик жараённинг бузилиши, асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши, ходимнинг бепарволиги ва малакасизлиги, яроқсиз маҳсулот, истеъмолчиларга сифатсиз хизмат кўрсатиш, ўғирлаш, бошқарувдаги хатолар, шартнома

⁸ Муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

мажбуриятларини бажармаслик, корхона ресурсларидан мақсадсиз фойдаланишни гуруҳларга ажратиб киритиш таклиф этилди.

1-жадвал

«Greenworld» МЧЖ асосий фаолияти бўйича фойдали харажатларнинг ҳисобот калькуляцияси, 2019 йил⁹

Харажатлар тури	Солиштирма улуши, %
Хомашё	14
Ўзида ишлаб чиқариладиган яримтайёр маҳсулотлар	27
Қадоқловчи материаллар	26
Ёрдамчи материаллар	1
Тара ва тара материаллари	3
Технологик мақсадларга ёнилғи ва энергия	0,5
Асосий ишлаб чиқарувчиларнинг асосий иш ҳақи	3
Маҳсулот сифатини назорат қилиш бўйича харажатлар	0,3
Меҳнат инвентарлари, асбоб-ускуналари, бошқа предмет ва воситалар	0,4
Ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматлари	0,7
Ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари	2
Жиҳоз, бино ва хоналарни таъминлаш ҳамда фойдаланиш харажатлари	3
Умумишлаб чиқариш харажатлари	5
Умумхўжалик харажатлари	3,6
Ташқи ташкилотларнинг хизматлари	3
Сотиш харажатлари, савдо уйлари таъминлаш харажатлари	2
Бошқа сотиш харажатлар	3,5
Бошқа харажатлар	2
Асосий фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун жами унумли харажатлар	100


Мева-сабзавотни қайта ишловчи тармоқ корхоналари менежменти амалиётда кўплаб турли бошқарув қарорларини қабул қилишга тўғри келади. «Харажатлар – маҳсулотнинг чиқиши – фойда» ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш раҳбарларнинг таннарх, ҳажм ва фойда ўртасидаги функционал-математик боғлиқликка асосланувчи кучли воситалардан бири ҳисобланади. Бундай таҳлил жараёнида ишлаб чиқариш (маҳсулотнинг чиқиши) ҳажми ўзгариши, маҳсулотни сотишдан умумий тушумлар, харажатлар ва соф фойда ўртасидаги боғлиқлик тизимли равишда ўрганилади. Хорижий адабиётларда мазкур усул CVP таҳлил (cost-volume-profit) деб номланади.

CVP таҳлилнинг мақсади – ташкилотнинг ишчанлик фаоллиги даражаси (ишлаб чиқариш ҳажми) ўзгарганда молиявий натижалар қандай бўлишини аниқлашдан иборат. Бу ахборот раҳбарият учун муҳим аҳамиятга эга, чунки маҳсулотнинг чиқиши маҳсулотни сотишдан умумий тушумга, умумий харажатлар ва фойдага таъсир кўрсатувчи энг муҳим ўзгарувчанлардан бири

⁹ Муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

ҳисобланади¹⁰.

Шундай қилиб, қисқа муддатли вақт мобайнида маҳсулотнинг чиқиши қатъий белгиланган бўлади, шунинг учун корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари оширилиши мумкин эмас. Иқтисодчилар нуқтаи назаридан харажат ва тушумларнинг маҳсулотнинг чиқишига боғлиқлигини қуйидаги тарзда тасвирлаш мумкин (4-расм).



4-расм. «Agromir» ҚКда зарарсизлик нуқтасининг ўзгариш динамикаси, 2019 йил¹¹

